



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Давлат хизматлари агентлиги Жиззах
вилоят бошқармаси бошлиғи,
Харид комиссиясининг раиси


А. Эргашев
2022 йил

Давлат хизматлари марказларида мухр ва штамп тайёрлаш
учун зарур хом ашёни (махсулотларни) сотиб олиш бўйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Жиззах-2022 йил

МУНДАРИЖА

I Боб.	Қатнашчига күрсатма.....
II Боб.	Танловнинг таклиф шакллари.....
III Боб.	Махсулотлар руйхати ПДФ вариантда.....
IV Боб.	Тижорат қисми.....
V Боб.	Шартнома шакли

I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КҮРСАТМА

A. Умумий маълумот

Танлов предмети
Мазкур танлов хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар
Танлов комиссиясининг вазифалари
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гурухининг вазифалари
Қатнашчига танловда қатнашиш учун кўйиладиган малака талаблари
Танлов доирасида хужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

B. Танлов хужжатлари

Танлов хужжатининг таркиби
Танлов хужжатларига аниқлик киритиш
Танлов хужжатларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш

C. Танлов хужжатларини тайёрланиши

Танловда қатнашиш харажатлари
Танловда кўлланиладиган тил
Танлов таклифини ташкил қилувчи хужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунириш
Мукобил таклифлар
Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

D. Танлов таклифларини топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш
Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати
Танлов таклифларининг очилиши

E. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш
Таклифларнинг мос келмаслиги

F. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш
Тўлов шартлари
Шартномани имзолаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид килиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, муҳр ва штамплар тайёрлаш учун зарур ускуна ва хом ашё (маҳсулотлар) сотиб олиш бўйича танлов ўтказишни кўзда тутилган.

Танловга кўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи **70 226 000 (Етмиш миллион икки юз йигирма олти минг)** сўм, кўшимча киймат солиғи билан.

маҳсулотлар танлов хужжатларининг тижорат қисмida жойлашган талабларiga биноан бажарилиши лозим.

2. Мазкур танлов хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджетдан ташкил маблағлар хисобидан туманлар (шахар) давлат хизматлари марказларида муҳр ва штамп тайёрлаш хизматини жорий этиш учун зарур ускуна ва хом ашё (маҳсулотлар)ни етказиб бериш бўйича танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов хужжатлари талаблари асосида энг яхши таклифларни танлаб олиш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир боскичли.

Буюртмачи – Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси;

Манзили: 130100, Жиззах шаҳар, И.Каримов шоҳ кўчаси,

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – танлов комиссияси котиби Абдувалиев Илҳом Хикматуллаевич;

Тел.: (72) 221-50-50, ички 2505.

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

-танлов ўтказиш тартиб-коидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда танловни ўтказади;

-танлов талабгорларига тааллукли барча хужжатларни тақдим килиш, муддатини узайтириш тўғрисида карор кабул қилиш;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишида нархларнинг сунъий равишида оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда конун хужжатлари талабларiga катъий риоя килиш;

- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танловнинг ташкилотчиси - Ишчи орган. Унинг вазифасига қўйидагилар киради:

- танлов хужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> порталаида, ва бошқа оммавий ахборот воситаларига эълон беради;

- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

-танловнинг техник таклифларини ўрганади, таҳлил килади ва кўриб чиқади;

-энг яхши техник таклифни аниклади;

-катнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий хужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил килади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлов таклифини аниклади, ғолибни аниклади ва карор кабул килади.

Катнашчи - мулкчилик шаклидан катъий назар, танлов талабларida кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Катнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- факат битта таклифни тақдим этиш хукукига эга;

- тақдим этилган таклифни таклифларни тақдим этиш муддати тугамагунча кайтариб олиш ёки ўзгартириш хукукига эга.

5. Катнашчига танловда катнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини ва молиявий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган кўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов катнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов катнашчилари қўйидаги хужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларiga тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

- талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

- талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдикловчи маълумотнома;
- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдикловчи гувоҳноманинг нусхаси;
- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш хуқукини берувчи лицензиянинг нусхаси;
- давлат солик инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташкари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича қарзи йўклиги тўғрисида маълумотнома;
- хизмат кўрсатувчи банк томонидан талабгорнинг хисоб ракамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўклиги тўғрисида маълумотнома асли.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш боскичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон килингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Катнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан коплади.

5.3. Танловда ғолиб чиккан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.
Танлов ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танловда энг кўп балл тўплаган танлов катнашчиси.

Захирадаги катнашчи – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган кўп балл тўплаган катнашчи.

- 5.5. Танловга куйидаги катнашчилар кўйилмайди:**
- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошка ресурслари мавжуд бўлмаган;
 - шартнома тузиш учун конуний хукукка эга бўлмаган;
 - тугатиш ёки банкротлик боскичида бўлган;
 - фаолияти суд ёки ҳакамлик судида муҳокамада кўриб чикилаётган;
 - давлат реестрида рўйхатга олингандигига олти ой муддатдан кам бўлган;
 - инсофсиз ижро чиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
 - соликлар ва бошка мажбурий тўловлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташкари фондлар олдида каэрзорлиги мавжуд бўлган;
 - имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор килиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб ракамларига эга бўлган;
 - аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;
 - тегишли тижорат ва молиявий кўрсаткичлар бўйича Комиссия талабларига жавоб бермаганда, улар тўғрисида тегишли қарор қабул қилинади.

Буюртмачи куйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида катнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошка давлат органинг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошка ҳар қандай кимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф килиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат ҳаридлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул килиши ёки ҳар қандай ракобат тартибини кўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равиша адолатсиз ракобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида хужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чикилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-коидасига расман алокадор бўлмаган шахсларга маълум килинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор килингандиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлов хужжатининг таркиби

7.1. Танлов катнашчиси унга берилган танлов хужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чикиши шарт.

7.2. Танлов хужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб килинган маълумотларни бермаслик ёки тақлифнинг танлов хужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, тақлифнинг қабул килинмаслигига олиб келади.

8. Танлов хужжатларида аниқлик киритиши

8.1. Хужжатларни тақдим этиши муддати тамом бўлгунга кадар Қатнашчи танлов хужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишида мурожаат килишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишининг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча катнашчиларида мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов хужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлик саволга ёзма жавоб бериши шарт.

В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танловда қатнашиш харажатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлик бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари хисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлов таклифи нархи хисобланади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши керак.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солик ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашли томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган боскичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чикилиши рад этилади.

11. Танловда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашли ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириши

12.1. Қатнашли танлов таклифини катьйи равища мазкур танлов ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида бериши керак.

12.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

12.3. Қатнашли таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши керак.

13. Муқобил таклифлари

13.1. Афзалроқ техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган муқобил таклифлари бўлиши мумкин. Бу ҳолда нарх кўрсаткичларини баҳолаш пайтида бундай таклифларга бошқа таклифларга нисбатан имтиёзлар берилмайди.

13.2. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

Г. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛARНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки боскичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш максадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича конунчилек асосида кўшилган киймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб хисоб килинади.

19.2. Танлов таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.9. Энг кўп балл тўплаган қатнашли ғолиб деб хисобланади.

19.10. Якун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан кабул килинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан кабул килинади. Овозлар тенг бўлиб колган тақдирда, Танлов комиссияси раисининг овози ҳал килувчи овоз хисобланади.

19.11. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул килиш ёки рад этиш хукукини ўзида олиб қолади.

19.12. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

19.13. Танлов комиссиясининг якуний баённомасида ғолиб ва захирадаги қатнашчилар, танлов комиссияси хулосаси, қатнашчиларнинг танлов таклифлари йиғма жадвали ва ғолиб билан шартнома имзолашнинг мўлжалланаётган муддатлари тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлади.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан электрон имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан электрон имзо билан тасдиқланиши керак.

19.14. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига танлов якунлангандан кейин уч кундан кечикмай ёзма билдиришнома юборади ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг www.xarid.uz маҳсус порталида эълон килади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси:

катнашчига танлов таклифи тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофилик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик киладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган карор кабул килиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан ракамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофилик мавжуд бўлса, у холда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик килади.

20.2. Агарда катнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг карори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун катнашчи хукуки бошка юридик шахсга ўтказилишига йўл кўйилмайди.

20.4. Танлов қўйидаги холларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки факат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов хужжатларига қўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов хужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган хужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча катнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошлангич кийматидан анча юкори бўлса.

20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов катнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошка жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Танлов

E. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлов ғолиблари ўртасидаги шартнома танлов ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> маҳсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичida тузилади.

21.2. Агар Танлов ғолиби шартнома тузишни рад эта ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у холда Буюртмачи танлов комиссияси карорига мувофик кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки такорий танлов ўтказишни тайнинлаши мумкин.

22. Тўлов шартлари

22.1. Тўлов шартлари имзоланадиган шартнома талаблари асосида катъий амалга оширилади.

22.2. Танлов катнашчилари томонидан тавсия этилган барча бошка тўловлар ва тўлов шакллари кабул қилинмайди.

23. Шартномани имзолаш

23.1. Ғолиб катнашчи 3 (уч) кун муддат ичida Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

23.2. Танлов ғолибининг, танлов хужжатларида кўзда тутилган тақдирда Буюртмачи ҳисоб рақамига ўтказилган закалат суммаси буюртмани тугатиш муддатигача колдирилиши шарт.

23.3. Ғолиб деб топилган катнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги катнашчи билан шартнома имзоланади.

23.4. Ғолиб деб топилган катнашчи шартномани бажариш кафолатини бера олмаса ёки шартнома тузишдан бош тортса, у холда унинг таклиф кафолати мусодара қилинади ва кейинги энг кўп балл тўплаган катнашчи билан шартнома имзоланади.

23.5. Танлов ғолиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса конун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

Қатнашчи таклиф этган маҳсулотнинг (хизматларнинг, ишларнинг) нарх жадвали

т/р	Маҳсулот (хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир донасининг нархи	Умумий нархи
1.					
2.					

Етказиб бериладиган маҳсулот умумий қиймати жами:

сўмни ташкил этади.

Изоҳ: маҳсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) бир донаси ва умумий нархлари ўртасида фарқланиш аникланилса, бундай холда бир дона маҳсулотнинг нархига каралади.

III-БОБ

(махсулотларнинг руйхати сканер ПДФ варианти жойлаштирилган)

IV-БОБ

ТИЖОРАТ КИСМИ

1	махсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) чегара киймати	махсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) киймати ҚҚС билан бирга 70 226 000 (Етмиш миллион икки юз йигирма олти минг) сўмни ташкил этади
2	Молиялаштириш манбай	Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошкармасининг бюджетдан ташқари маблаглари
3	Иштирокчилар учун тўлов шартлари	Шартноманинг умумий суммасидан дастлабки 30 % микдорида аванс тўлов амалга ошириш
4	Тўлов валютаси	Ўзбекистон Республикаси миллий сўм валютасида.
5	махсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) етказиш бажариш муддати	5 календар куни
6	Танлов таклифининг амал килиш муддати	Танлов тақдим этилган кундан бошлаб камида 10 кун

V-БОБ

МАХСУЛОТ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ.

№ -----

Жиззах шаҳар .

2022 йил « » Март

«Сотувчи» деб юритилади, Низом асосида харакат килувчи рахбари _____ номидан, бир томондан «Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси» шахсида Низом асосида харакат килувчи, кейнги уринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади А.Эргашев номидан, иккинчи томондан кўйидагилар тугрисида мазкур шартномани туздилар:

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

- 1.1. Сотувчи узига тегишли Махсулотни Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса ушбу Махсулотни кабул килиш ва хакини тулаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Махсулот хакида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 кисмидаги № 1 жадвалида курсатилган.
- 1.3. № 1

№	Махсулотнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Бахоси	Суммаси
1					
5				Жами	

1.4. Махсулотнинг умумий баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

2. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 2.1. Ушбу шартнома буйича тулов кўйидаги тартибда амалга оширилади: Шартнома томонлар уртасида имзоланиб Газначилик органидан рўйхатдан ўтгандан кейин 3 банк куни ичидан Сотувчига шартноманинг умумий кийматидан олдиндан 30 % тўлов амалга оширилади, колган 70 % тўлов махсулот етказиб берилгандан сўнг имзоланган хисоб фактурага асосан 5 банк куни ичидан амалга оширилади.
- 2.2. Тулов шакли: Пул утказиш йули билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
- 3.2. Шартноманинг 2.1 банди бўйича Сотиб олувчи олдиндан тўловни амалга оширгандан сўнг сотувчи Махсулотни 5 банк кун ичидан Сотиб олувчига топшириши шарт.
- 3.3. Махсулотни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида Сотиб олувчига топшириш.
- 3.4. Махсулотни шартнома шартларига жавоб берадиган микдорда ва сифатда, ташиш жараённида унинг бузилиши, синиши ёки йук булиши мумкинлигини истисно киладиган даражадаги идишларда ва жойлаштирилган холда топшириш.
- 3.5. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
- 3.6. Махсулотни 5 кунлик муддатда куздан кечириш. Махсулотнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аникланган такдирда, Сотиб олувчи шу муддатда Сотувчига аникланган номувофиликлар хакида маълумотларни акс этирувчи хабарнома (рекламация) юборади.
- 3.7. Сотувчи сифати лозим даражада булмаган Махсулотлар юборилганлиги хакида хабарномани олган пайтдан бошлаб 20 кун ичидан сифати лозим даражада булмаган Махсулотни сифатлисига алмаштириш.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 4.1. Махсулотларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тулик етказиб берилмаган холларда, Махсулот етказиб берувчи сотиб олувчига кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Махсулотлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни Махсулотларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тулик етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.
- 4.2. Агар етказиб берилган Махсулотлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хужалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи Махсулотларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тулашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва назви лозим даражада булмаган Махсулотлар кийматининг 0,1 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар Махсулотлар хаки тулаб кўйилган булса, туланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада булмаган Махсулотлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олиниади.
- 4.3. Етказиб берилган Махсулотлар хакини уз вактида туламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига утказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тулов суммасининг 0,01 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорида пеня тулайди.
- 4.4. Тарафларнинг жавобгарлик холатлари Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар

фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисидаги» Конуни буйича амалга оширилади.

5. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Ушбу шартномага хар қандай узгартериши ва күшимчалар улар ёзма равишида расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда хакикий хисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Узбекистон Республикасини амалдаги конун хужжатларида назарда тутилган асосларга кура, етказилган зарар копланган холда йул куйилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартнома буйича ёки у билан боғлик холда тарафлар уртасида келиб чикадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя килинган холда хал этилади.

6.2. Билдириган талабномасига конунда белгиланган бир ойлик муддат ичидаги жавоб олмаган ёки талаблари каноатлантирилмаган тақдирда, хукуки бузилган деб хисобловчи тараф низони хал килиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган хужалик судига мурожаат килишга хакли.

7. Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган хар қандай харакатларни амалга оширайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф килмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошкармаси ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манбаатларини кўзлаб муайян харакатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу харакатларга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7.2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошкармаси ходимининг ахлокка тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига зид келадиган хатти-харакатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукукбузарлик содир этишга мажбурашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алока каналларидан бири орқали хабардор килиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

8. БОШКА ШАРТЛАР.

8.1. Шартнома икки нусхада тузилиб томонлар ўртасида имзоланиб Фазначилик органидан рўйхатдан ўтгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

8 Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

СОТУВЧИ:	СОТИБ ОЛУВЧИ:
	Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси
(номи)	
СТИР:	СТИР: 207268731
ОКОНХ: --	ОКОНХ:
Юридик манзили:	Юридик манзили:
	Жиззах шаҳар И.Каримов шоҳ кўчаси
	ШХР:
Телефон/факс:	Фазначилик бошқармаси
	X/r: 400121860084017019902255001
Ҳисоб-китоб ҳисобвараги:	МФО:00014 СТИР:
	Банки:Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
МФО:	

9. Тарафларнинг имзолари ва мухрлари

СОТУВЧИ:		СОТИБ ОЛУВЧИ:
(Мухр; (Ф.И.О)	имзо)	А.Эргашев (Мухр; имзо)

Хукукшунос _____